

Сел тошқинларини олдини олиш бўйича махсус ўқув машғулот ўтказилди



Куни кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов раислигига баҳор мавсумида юзага келиши мумкин бўлган сел-сув тошқинлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мазкур йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Қумқўрғон туманида сектор раҳбарлари, фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамда ҳамкор ташкилотлар иштирокида "Сел-сув тошқинлари ва кўчки билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш" мавзусида махсус тактик ўқув машғулоти ўтказилди.

Сел тошқинларида юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотлар масъулларига топшириқлар берилди